

ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛУВЧИ МАЙДА БЕЗОРИЛИК ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Адилов Темурхон Бахтиёр ўғли

Тошкент вилояти ИИББ масъул ходими

тел. +998-97-746-06-00

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7181036>

Аннотация: Ушбу мақолада майда безорилик ҳуқуқбузарлигини ўзига хос хусусиятлари, қўллаш амалиёти ва ушбу ҳуқуқбузарликни такомиллаштириш йўллари таҳлил қилинган.

Таянч тушунсалар: Майда безорилик, ҳуқуқбузарлик. Суд, Ички ишлар органи, Миллий гвардия.

Ер юзида ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишнинг таъсирчан тизимини яратиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини сингдириш, профилактик ишларни мувофиқлаштириш, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш бўйича қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб ҳисобланади. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш тизимини такомиллаштириш истиқболларини тадқиқ этиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш учун унинг сабабини аниқлаш зарур ҳисобланади. Бизнингча, ҳуқуқбузарликларнинг асосий сабаби бу ишсизликдир шу сабабли жиноят содир этган маъмурий ҳуқуқбузарликларга мойиллиги катта бўлган шахсларни аниқлаб уларни ишга жойлаштириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир. Ҳуқуқшунос Ш.Х.Қушбоқов такидлаганидек, меҳнатга жалб қилиш орқали уларни қайта жиноят содир этиш эҳтимолини камайтирмоқда зеро, жиноятнинг асосий сабаби бу ишсизликдир[1].

Бугунги кунда жиноятларни олдини олиш уни фош этишдан самарали эканини замонанг ўзи исботламоқда. Ҳуқуқбузарликлар ўзидан ўзи содир бўлмайди буни юқорида ҳам муҳокама қилдик. Шу сабабли ҳар бир жиноят аввало маъмурий ҳуқуқбузарликлардан бошланади. Маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш уни фош этиш Ички ишлар органларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ҳозирда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг энг асосий содир этилаётган ҳуқуқбузарлик бу Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик



тўғрисидаги кодекснинг 183-моддасида белгиланган майда безорилик ҳуқуқбузарлиги ҳисобланади. Жумладан, Суд ҳукми билан маъмурий қамоқ жазоси қўлланган шахсларнинг 25 795 нафари МЖТКнинг 183-моддасига асосан, 8 851 нафари МЖТКнинг 187-моддасига асосан, 73 нафари МЖТКнинг 1883-моддасига асосан, 3 898 нафари МЖТКнинг 131, 136-моддаларига асосан, 3 046 нафари МЖТКнинг 194, 195-моддаларига асосан ва 7 783 нафари бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этганликлари учун маъмурий қамоқда ушлаб турилган бўлиб, қамоқ муддати жами 409 942 суткани ташкил этди[2].

Бундан кўриниб турибдики, майда безорилик ҳуқуқбузарлигини илмий, назарий ўрганиб чиқишга эҳтиёж бор. Шу ўринда майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўқиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликдир.


Маълум бўладики, жамоат жойларида шахснинг содир этган қилмишини майда безорилик деб баҳолаш учун унда:

- уятли сўзлар билан сўқиниш;
- фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш;
- жамоат тартибини бузувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш;
- фуқароларнинг осойишталигини бузувчи хатти-ҳаракатлар содир этилади.[3]

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкин майда безорилик ҳуқуқбузарлиги фақат жамоат жойларида содир этилади ва белгиларига (жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўқиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатлар) эга ҳисобланади.

Агарда, шахс майда безорилик ҳаракатларини давом эттириб, айбдорнинг кейинги ҳаракатлари шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки мулкка анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш билан содир этилган бўлса, шахс маъмурий жавобгарликка тортилмасдан, фақат жиноий жавобгарликка тортилиши лозим.

Фикримизча, Майда безорилик ҳуқуқбузарлигини З.М. Охунов ва Ш.Х. Қушбоқов такидлаганидек, ижтимоий ҳодиса сифатида тушуниш, унинг ҳақиқий сабабларини ижтимоий, иқтисодий, психологик, тиббий ва педагогик муаммолар тизимидан излаш лозим[4].



Хулоса ўрнида майда безорилик ҳуқуқбузарлигини самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагиларни таклиф этишни жоиз топдик: биринчидан, майда безорилик ҳуқуқбузарлигини қўллаш амалиётни янада кенгайтириш зарур, чунки майда безорилик ҳуқуқбузарлиги Безорилик жиноятини олдини олишда хизмат қилади; иккинчидан, Майда безорилик учун жазо қўллаш фақат Суд томонидан эмас ушбу ҳуқуқбузарликнинг жарима жазосини қўллаш учун Ички ишлар органлари ва Миллий гвардия ходимларига ҳам ушбу ваколат берилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

References:

1. Қушбоқов Ш.Х. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни // Международная конференция академических наук: сборник научных статей международной научной конференции (22 сентябрь 2022 г.) – улан-удэ, Россия. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7098842>
2. Ички ишлар органларининг махсус муассасалари фаолиятини ташкил этилишида 2021 йил давомида амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида маълумотидан.
3. Джавкашев Ж.А. безорилик ЖИНОЯТИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. CENTRAL ASIAN RESEARCH JOURNAL FOR INTERDISCIPLINARY STUDIES (CARJIS). 2022 й. 540 Б.
4. З.М. Охунов, Ш.Х. Қушбоқов. ТАЛАБАЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР // Том 2 № 11 (2022): Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. 37-38 Б. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7139131>.

